# Қийинчилик ва ғамгинликда айтиладиган зикр




09:00 / 18 ноябрь 713

Ибн Аббосдан розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:
Албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳзунликда:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ الْعَظِيمُ الْحَلِيمُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ رَبُّ السَّمَوَاتِ، وَرَبُّ الْأَرْضِ، رَبُّ الْعَرْشِ الْكَرِيمِ.

**«Лаа илаҳа иллаллоҳул ъазиймул ҳалийм, Лаа илаҳа иллаллоҳу роббул ъаршил ъазийм, Лаа илаҳа иллаллоҳу роббус самавати ва роббул арзи роббул ъаршил карийм»**, деб айтардилар.
(Маъноси: «Ҳалим ва улуғ Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Улуғ аршнинг рабби бўлган Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Мукаррам аршнинг ва еру осмонларнинг рабби бўлган Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ.)

*Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бирор муҳим иш тушса ёки ғам ғусса етса ана шу сўзларни айтганлар», деб айтилган.